

А Ж Р И М

2020 йил октябрь ойининг 22 куни жиноят ишлари буйича Юқоричирчик туман суди ўз биносида, Ошлик суд мажлисида

Раислик қилувчи: Х. Акбаров

Судья ёрдамчиси С.Кадирханованинг котибалигида, томонлардан Юқоричирчик туман прокурори Абдусаламов, судланувчи К.Раимовнинг ҳимоячиси адвокат С.Матиновларнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси қўддасининг 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айб [REDACTED] га нисбатан 1-1117-2002/115 сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

[REDACTED] – 14.08.1998 йилда Тошкент вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти тугалланмаган олий, бўйдоқ, муқаддам судланмаган, ҳарбий хизмат мажбур, [REDACTED] да истиқомат қилади, иш бўйича “гаров” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2020 йил 16 октябрь куни олган.

Суд судланувчи ва жабрланувчиларнинг жиноят ҳолатлари ҳамда ярашув тўғрисидаги аризалари бўйича баёнотларини тинглаб ҳамда жиноят иши материалларини атрофлича ўрганиб чиқиб ва таҳлил қилиб, қуйидагиларни-

А Н И Қ Л А Д И:

[REDACTED], 2020 йил 27 август куни соат 23:17 да Паркент тумани, Хисарак қишлоғи, [REDACTED] олдида ўзига таниш бўлган [REDACTED] билан олдиндан ўрталарида бўлган келишмовчилик оқибатида жанжалашиб қолиб, уларга қасддан тан жароҳати етказиш мақсадида қўлида бўлган ошхона пичоғи билан Ф.Рустамовни чап кўкрак орқа соҳасига бир марта, С.Д.Рустамовни чап бел соҳасига бир маротаба уриб тан жароҳати етказган.

Натижада [REDACTED] олган тан жароҳати билан Паркент тумани тиббиёт бирлашмаси жонлантириш бўлимига ётқизилган.

Паркент туман тиббиёт бирлашмасининг 28.08.2020 йил кунидаги 2720-сонли тиббий маълумотномасига кўра [REDACTED] да “Чап кўкрак орқа плевра бўшлиғига тешиб кирувчи санчиб кесилган жароҳати” борлиги кўрсатиб ўтилган.

Паркент туман тиббиёт бирлашмасининг 28.08.2020 йил кунидаги 2719-сонли тиббий маълумотномасига кўра [REDACTED] да “Чап бел соҳада қорин бўшлиғига тешиб кирмайдиган санчиб кесилган жароҳати” борлиги кўрсатиб ўтилган.

Судга оид тиббий экспертизанинг 07.09.2020 йилдаги №952-А-сонли хулосасида Рустамов Фузоил Дадахон ўғлини танасида кўкрак бўшлиғига тешиб кирмаган чап кўкрак соҳада санчиб кесилган яра борлиги аниқланиб, ушбу тан



жароҳати соғлиғини қисқа муддатга 6 кундан кўп аммо 21 кундан кўп бўлмаган муддатга бузилишига сабаб бўлиши ва шу белгисига кўра соғлиғининг қисқа муддатга бузилишига олиб келган ЕНГИЛ тан жароҳати тоифасига кириши кўрсатиб ўтилган.

Судга оид тиббий экспертизанинг 07.09.2020 йилдаги №955-А-сонли хулосасида [REDACTED] ни танасилда чап бел соҳада қорин бўшлиғига тешиб кирмаган санчма қилинган яра борлиги аниқланиб, ушбу тан жароҳати соғлиғини қисқа муддатга бузилишига сабаб бўлиши ва шу белгисига кўра соғлиғининг қисқа муддатга бузилишига олиб келган ЕНГИЛ тан жароҳати тоифасига кириши кўрсатиб ўтилган.

Судга оид қайта тиббий экспертизанинг 15.09.2020 йилдаги №65-сонли хулосасида [REDACTED] нинг танасида кўкрак қафаси орқа юзасининг чап томонида жойлашган, кўкрак бўшлиғига тешиб кирмаган санчма-кесма яра аниқланганлиги, соғлиғини қисқа муддатга 6 кундан кўп аммо 21 кундан кўп бўлмаган муддатга бузилишига сабаб бўлиши ва шу белгисига кўра соғлиғининг қисқа муддатга бузилишига олиб келган ЕНГИЛ тан жароҳати тоифасига кириши кўрсатиб ўтилган.

Суд мажлисида сўроқ қилинган судланувчи [REDACTED] айбига тўлиқ иқрор бўлиб ва қилмишидан пушаймонлик билдириб, қуйидагиларни яъни, жабрланувчилар [REDACTED] га етказилган моддий зарарни тўлиқ қоплаганлигини, ҳозирги вақтда улар ўзаро ихтиёрий ярашиб олишганлигини кўрсатиб, уни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига асосан жиноий жавобгарликдан озод қилишни ва унга нисбатан жиноят ишини томонлар ярашганлиги муносабати билан ҳаракатдан тугатишни сўради ҳамда судга ўзининг ушбу ҳақидаги ёзма аризасини тақдим қилди.

Суд мажлисида сўроқ қилинган жабрланувчи [REDACTED] қуйидагиларни яъни, ҳақиқатдан ҳам, ҳозирги кунда судланувчи [REDACTED] билан ихтиёрий ярашиб олишганлигини, судланувчи унга етказилган моддий зарарни тўлиқ қоплаганлигини, унга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини кўрсатиб, К.Раимовни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига асосан жиноий жавобгарликдан озод қилишни ва унга нисбатан жиноят ишини ярашганлиги муносабати билан ҳаракатдан тугатишни сўради ҳамда судга ўзининг ушбу ҳақдаги ёзма аризасини тақдим қилди.

Суд мажлисида сўроқ қилинган жабрланувчи [REDACTED] қуйидагиларни яъни, ҳақиқатдан ҳам, ҳозирги кунда судланувчи [REDACTED] билан ихтиёрий ярашиб олишганлигини, судланувчи унга етказилган моддий зарарни тўлиқ қоплаганлигини, унга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини кўрсатиб, К.Раимовни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига асосан жиноий жавобгарликдан озод қилишни ва унга нисбатан жиноят ишини ярашганлиги муносабати билан ҳаракатдан тугатишни сўради ҳамда судга ўзининг ушбу ҳақдаги ёзма аризасини тақдим қилди.

Суд, судланувчи ва жабрланувчиларни ярашув тўғрисидаги аризалари буйича баёноатларини, давлат айбловчисининг томонларни аризаларини қаноатлантириш тўғрисидаги фикрини тинглаб ҳамда иш материалларини атрофлича ўрганиб чиқиб ва таҳлил қилиб, К.Раимов айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, жабрланувчиларга етказилган



моддий зарарни тўлик қопланганлигини, жабрланувчиларнинг унга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, улар ихтиёрий ярашиб олишганлигини эътиборга олиб, томонлар ўртасида тузилган ярашув баённомасини тасдиқлаб, К.Раимовни Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 66-моддасига асосан жиноий жавобгарликдан озод қилишни ва унга нисбатан жиноят ишини ҳаракатдан тугатишни лозим деб ҳисоблайди.

Юқоридагиларга асосан Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84, 582-583, 585-586-моддаларини раҳбарлик қилган суд

А Ж Р Қ И Л Д И:

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 266-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбланган [REDACTED] ва жабрланувчилар [REDACTED] лар ўртасида тузилган суд мажлиси ярашув баённомаси тасдиқлансин.

К.Раимов Ўзбекистон Республикасининг ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ жиноий жавобгарликдан озод этилсин ва унга нисбатан жиноят иши ҳаракатдан тугатилсин.

Унга нисбатан қўлланилган гаров эҳтиёт чораси бекор қилинсин ва гаров тариқасида олиниб, Тошкент вилоят ИИББ ҳузуридаги Тергов Бошқармасининг Тошкент шаҳар Марказий банкдаги 21506000200447886012 МФО 00014, ИНН 200541951 рақамли депозит ҳисобига топширилган 10.000.000 сўм гаров пуллари гаров қўювчи [REDACTED] га қайтарилсин.

Жабрланувчилар [REDACTED] га ярашув тасдиқланганлиги муносабати билан мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишлиги тушунтирилсин.

Ажримдан норози томон 10 сутка ичида жиноят ишлар бўйича Тошкент вилоят судига хусусий шикоят ёки протест келтиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:

Х.С.Акбаров

